

Ақийда дарслари (58-дарс). Лаа илааха иллаллоху Муҳаммадун расулуллоҳи



16:05 / 04.11.2019 6742

Аввал Аллоҳга иймон ҳақида сўз юритайлик.

«Аллоҳнинг борлигига ишонаман», дейиш билан иш битмайди. Аллоҳга иймон келтиришни тафсилоти билан билиш лозим. Аллоҳ таоло Ўзи айтганидек, У Зотнинг Расули Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам васф этганларидек иймон келтирмоқ лозим. Аллоҳнинг борлигига, қадимийлигига, азалийлигига, абадийлигига, исмларига, сифатларига ва ишларига тўғри равишда иймон келтирмоқ лозим.

Аллоҳ таолонинг нақлий ва ақлий далиллар билан собит бўлган бир қанча сифатлари бор. Ана шу сифатларга иймон келтириш лозим ва лобуддир. Албатта, уларга иймон келтириш уларга зид бўлган сифатлардан Аллоҳ

таолони поклашни ҳам тақозо қилади.

Аллоҳга иймон масаласи икки марҳалага бўлинади:

Биринчиси: Аллоҳ таолонинг азалий ва абадий мавжудлигига иймон келтириш.

Иккинчиси: Аллоҳ Ўз зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, ҳукмларида ҳам ёлғизлигига, шериги йўқлигига иймон келтириш. Худди Аллоҳнинг Ўз сўзида: «Унинг шериги йўқ. Ана шунга амр қилиндим ва мен мусулмонларнинг аввалгисиман», деганидек (Анъом сураси, 163-оят).

Аҳли сунна вал жамоа ақийдаси бўйича машҳур матнлардан бири бўлмиш «Ақоиди Таҳовия»да Аллоҳ таолога иймон келтиришда лозим деб саналган бандлар ила танишамиз:

1. Албатта, Аллоҳ бирдир, Унинг шерига йўқдир.

Биринчи бошлайдиган нарсамиз Аллоҳ таолога иймондир. Шунингдек, Унинг исмлари, сифатлари қабулини кўрсатиш ва Унинг ҳамма аҳкомларига бўйсунидир.

2. Унга ўхшаш нарса йўқдир.

Шарҳ: Яъни Аллоҳга Унинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам ҳеч бир ўхшаш нарса йўқ. Махлуқотлардан ҳеч бири Робб таолога хос хусусиятлар билан сифатланмайди, махлуқотлардан ҳеч бири У Зотга Унинг сифатларининг бирортасида ўхшатишмайди.

Бунга далил:

«У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У Зот эшитувчи, кўрувчи Зотдир» (Шууро сураси, 11-оят).

«Осмонлару ердаги энг олий васф Уникидир. У иззатлидир, ҳикматлидир» (Рум сураси, 27-оят).

3. Ҳеч бир нарса Уни ожиз қила олмас.

Шарҳ: Яъни Аллоҳ таолонинг қудрати баркамоллигидан ҳеч бир нарса Унинг қиладиган иши ёки ҳукмини ман қила олмайди.

Бунга далил эса:

«На осмонларда ва на ерда бирор нарса Аллоҳни ожиз қолдира олмас. Албатта, У Зот билувчидир, қодирдир» (Фотир сураси, 44-оят);

«Ва албатта, биз Аллоҳни ер юзида ожиз қолдира олмаслигимизга ва Ундан қочиб қутула олмаслигимизга ишондик» (Жин сураси, 12-оят);

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир» (Бақара сураси, 20-оят);

«Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир бўлган Зотдир» (Каҳф сураси, 45-оят);

«Иккисининг муҳофазаси Унга оғир келмас» (яъни осмонлару ерни тутиб туриш Аллоҳни ожиз қолдирмас) каби оятлардир (Бақара сураси, 255-оят).

4. Ундан бошқа илоҳ (ибодатга сазовор зот) йўқдир.

Шарҳ: Ушбу калима – тавҳид калимаси бўлиб, барча набийлар шунга даъват қилгандирлар. Ушбу калима ила одам ширк зулматидан чиқиб, иймон нурига кирадир.

Далиллар:

«Ва илоҳингиз бир илоҳдир. Роҳман ва Роҳийм бўлмиш Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир» (Бақара сураси, 163-оят);

«Бас, билгин, албатта, Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир» (Муҳаммад сураси, 19-оят);

«Аллоҳ, фаришталар ва илм эгалари адолат ила туриб гувоҳлик берурларки, Азийзу Ҳакийм бўлган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир» (Оли Имрон сураси, 18-оят);

«Албатта, илоҳингиз ёлғиз илоҳдир» (Анбиё сураси, 108-оят);

«Албатта, У ёлғиз илоҳдир» (Анъом сураси, 19-оят).

5. У ибтидосиз қадимдир, интиҳосиз доимдир.

Шарҳ: Яъни Аллоҳнинг вужудга келишининг бошланиши йўқдир ва Унинг ниҳояси ҳам йўқдир. Вужудга келишининг бошланиши ва ниҳояси бор ҳар бир нарса янги пайдо бўлган ва яратилган бўлади. Ушбу жумлалар Аллоҳнинг Аввал ва Охир исмларига шарҳдир.

Далил:

«У Аввал ва Охирдир» (Ҳадид сураси, 3-оят) ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳим, Сен Аввалсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ ва Сен Охирсан, Сендан кейин ҳеч нарса йўқ», деган ҳадислари (Имом Муслим ва имом Абу Довуд ривоят қилишган).

Бу «Вужуд Сендан бошланган ва Сенга келиб тугайди», деганларидир.

6. У фано бўлмас ва битирилмасдир.

Шарҳ: Бу гап Аллоҳ таолонинг бақоси бардавом эканининг иқроридир. Ҳақиқатда эса бу бешинчи рақамдаги ақийдани таъкидлашдир. Фано ва битирилишнинг маъноси бир-бирига яқиндир. Икковини жамлаб келтириш таъкид учундир. Чунки фано ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиш маъносини англатади, битирилиш эса бошқанинг ҳалок қилиши билан йўқ бўлишдир.

Далиллар:

«Унинг (ернинг) устидаги барча фонийдир. Улуғлик ва икром соҳиби – Роббингнинг юзи боқийдир» (Ар-Роҳман сураси, 26-27-оятлар);

«У Зотнинг юзидан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир» (Қосос сураси, 88-оят).

(Давоми бор)

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан